

ПАХТАКОР, ҲАРКУН, ҲАРСОАТ ҒАНИМАТ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ


№ 231 (4222). | ШАНБА 22 ноябрь 1969 йил,

| Баҳоси 2 тийин.



ЮҚОРИ ЧИРЧИҚДА «оқ олтин»дан улкан хирмонлар бунёдга келмоқда. Юқори Чирчиқ тайёраов пунктига келтирилган ҳосил пешмапеш қабул қилинмоқда. Суратда: (чапдан) ишчилардан Э. Жонзоқов, М. Қўқоров қабул қилинган пахталарни ҳисоблашмоқда. Унга: янги ҳосилдан бунёд этилган бункерлар.

С. Махов фотоси.



ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Бокобод районидagi «Коммунизм» колхози илгирлар қаторида пахта тайёрлаш йиллик планини шараф билан бажарди. 750 гектар ерининг ҳар гектаридан 20,5 центнердан хирмон кўтарилиб, жами давлат оқиборига 1520 тонна пахта етказиб берилди.

Илгир-терим кунларида механизаторлар ва теримчилар пахтанинг сифатига алоҳида эътибор бердилар. Натикада йиллик планнинг 70 проценти юқори сортларга тошпирилди.

Колхоз планини ўз вақтида ўрилатишда Ш. Дехонов бошлиқ участка пахтакорларининг ҳиссаси катта бўлди. Улар 385 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 22 центнердан ошқириб «оқ олтин» йиғиб олдилар. Азамат пахтакорлар ҳисобдорлигини 25 центнердан ош-

риш учун астойдил курашмоқдалар.
Маъмур Дехонов, Маматкул Дўстматов, Бердикул Хожимуродов бошлиқ звенолар ҳар гектардан 24—25 центнердан ҳосил йиғиштириб олишди. Шунингдек, пахта теримида чепар теримчилардан Салям Болтабоева, Очқиз Дехонова, Умрийнсо Уришбоева, Ортиқдон Тошматова каби кўпмиқилограммчиларнинг кўшган ҳиссаси катта бўлди. Улар шу кунгача эл хирмонига 8—10 тоннадан ошқириб дурдона тўқдилар.
Колхоз пахтакорлари йиғим-теримни ушшоқлик билан давом эттириб, яна давлатга 300 тонна пахта сотишга, гектар бошига олинган ҳисобдорлигини 24 центнерга етказишга қарор қилдилар.

Б. БЕГМОНОВ,
Б. ХУДОЕВОВ.

ТУРСУНОЙ УЧАСТКАСИ МАРРАГА ЕТДИ

Янгийул районидagi Кирон номли колхоз аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, СССР Олий Советининг депутаты, Колхозчиларнинг Бутунитифоқ III съезди делегати Турсуной Охунова бошлиқ участка пахтакорлари маррага етдилар. 120 гектар майдондан 350,6 тонна «оқ олтин» тошпирилди. Гек-

тар бошига етиштирилган ҳосил 29,5 центнерга етди.
Турсуной Охунова «зангори кема» бункеридан 170 тонна пахта тўқди. Участка деҳқонлари даладаги ҳосилни тезда йиғиштириб олиш ва ҳисобдорлигини гектар бошига 31 центнерга етказишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

ТУН ЧИРОҚЛАРИ ВА ТОНГДАГИ ТАБАССУМ

План тўқсондан ошган. Марра кўриниб турган бўлса ҳам одим ташлашнинг мазаси йўқ. Қаринда изғирини шамол, ёғин тўсиқ бўлиб кўндаланг туради. Аммо инсон бардоши, жасорати ана шу қийинчилик олдига тиз қўймайди, бўш келмайди.

Пролетлар дили ёритмасди. Ҳатто баъзи кунлари кўнглини гаш қилса-да, аммо ҳар қалай силжиш бор. Кўз фаслининг бир тутам кунда деҳқон кулол ёзиб, ҳаракат қилолмайди. Шу вақтдан ҳам улар кунлар, соатларини эмас, ҳатто осмон кулиб боққан дақиқаларини ҳам зое ўтказмаслик ҳаракатида.

Янгийулдаги «Коммунизм» колхозини раиси Махмуд Исмаиловнинг чехрасидан бугунги ва кечаги иш қаноатлантирмаётганини билб олди қилинмас эди. У далада, хирмонларда, сувишларда бўлади. Пунктга бориб келди. Бариниб кўнглидаги ташвиқ ёзилмайди. Тўқсондан ошганига бир неча кун бўлбди-ю, юзга етилгани йўқ.

Махмуд ана, кези эттиги лой, даладан қайтиб келди. Кўзи ҳам, фикри-хаёли ҳам осмонда. Вақтин қадим ташлаб чикарига кирди. Секретарга, «куна, телефон қил, активларни чақир», деди. Партком секретари, агроном, яна уч-тўрт киши кўп ўтмай раис кабинетига ҳозир бўлишди. Уларнинг чехраси ҳам ташвиқли эди. Биров-бирларига қарашди, ҳеч нима демасдилар. Илгарилари шунақа шошилинч йиғилишлар олдидан ҳам ҳазил-хуш куллар бўлар, асосий масала муҳомадаси бошлангунча, у ёқдан-бу ёқдан гапириш, кулиш ўтирардилар. Бу гап унақа аломатнинг шарафаси ҳам йўқ эди.

Нохуш жимликни Махмуд ана буюрди. У ҳозиргача юзига аланимларини ёзиб, ўтириб, қандайдир ҳисоб-китоб билан машғул эди. Раис ўтирганларга бирма-бир қараб чиниб гап бошлади.

— Кеча тўқсон санкиз бўлган эди, бугун тўқсон санкиздан сал ошди. Бундан кейин ҳам шу зайлда пахта тошпирадиган бўлса, бир ҳафта, ўн кунда ҳам юзга етолмаймиз. Ахир одамлар нима дейди, пахтаминг йўқ бўлса майли эди, ҳосил ҳали кўп-ку, нега имиллабми? Бизга тўрт-беш процентдан тошпириш, дейишадигани йўқ. Ҳеч бўлмаса бирдан ошпирайлик, ники етказайлик. Шунақа қилсак, қўлимиздан келар, дейман. Негаки, шу зайлда секин бора-бара йилликми?

— Нега қўлимиздан келмас экан, келди.— Партком секретари Раҳимхўжа Ошохонжаев ўтирганларга дала берди.— Дарҳақиқат, уч-тўрт кунда бир процент пахта бериш жонга тегди. Ҳамини ҳам дейман, ёғин-гарчилан баҳона, бўшашиб, об-ҳавога қўнғиб қолдимиз, дейман. Техника етарли бўлса, ўзимизнинг одамлар, ёрдамчилар ишлаб турса-да, ахвол бунақа бўлса... Ҳудуд тўғри айтасиз, Махмуд ака, отта қамчи босмасак бўлмайди.

— Мен ҳам шунини ўйлаб, куйинмайман-да.— давом этди раис.— Сизларга бир маслаҳат уч участкага мана биз уч киши борасиз. Биринчиси партком секретари, иккинчиси — агроном, учинчиси — мен ўзим. Қани, бир ҳаракат қилиб кўрайлик-чи?

Шу сабабли партком секретари ҳам, агроном ҳам, раиснинг ўзи ҳам ҳалиги гап мазмунини ўларича чақиб, эртага эрта-лаб юз натижа қандай бўлишини дилларида салмоқлаб ўтирдилар.

Маслаҳат тугаб, ҳамма ўз участкасига кетди. Партком секретари ва агроном ўн беш тоннадан, раис эса йигирма тонна пахта кўриштириб пунктга жўнатишини тасмиллаш керак эди. Орият, айтилган сўзинг устидан чиқиб одамларни шу ҳаракатга сафарбар қила олиш раҳбардан кўп нарса талаб этарди.

Эрта-лаб ишга тушган кишилар уйларида нетанглариди уларнинг ўрнини яна шунча одам эгаллади. Одамлар машиналар оҳангига ҳаракат қилишарди. Орадан кўп ўтмай, яъни қишлоқ кўчаларида электр чироклар порлай бошлаганда пахта юклаган тележкалар қаровон пунктига йўл олди. Бу ҳаракат тонггача тўхтовсиз давом этди. Раисга биринчи бўлиб, партком секретари телефон қилди.

— Ҳозир, ўн санкизнинг тоннани жўнатдик.— Раис трубкани энди қўйган эди, телефон яна жингиллади: агроном ўз участкасига тошпиришни ошқириб бажаришди.

Жўнатишган ҳамма пахта ҳисобланганда, мўлжалдаги 50 тонна ўрнига 62 тонна юборилгани маълум бўлди. Шундан бўйи хирмонларда, сувишларда чироқ ўнмади, ҳаракат тўхтамади, машиналар қатновни тўтмади. Кечқурун ҳаммининг дили хира эди ҳозир уларнинг юзига, кўзига табассум барқ уриб турарди. Негаки, бир кеча-кундузда олтин икки тонна пахта тошпи-

рилиб, кечаги тўқсон санкиз рақами устига юз бир сони қувонч билан ёзиб қўйилди.
Йиллик планини тўлдирини арафасиди суръат оқими, план тўлган кун эртасига ҳам, индинига ҳам унақали сусаймади. Салкам бир, бирдан ортқ процентга етказиб турилди. Пландан ташқари 200 тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилган бу колхоз аъзолари ўша-да гайрат, шижоат, фидокорлик билан меҳнат қилаётганларки, бу планини тўлдирган, тўлдириш арафасида турган хўжалик аъзолари, хуллас ҳамма учун ибратлидир.

Махмуд Исмаилов қизик, юракка тегадиган гапни айтиб қолди.

— Об-ҳаво деҳқонга ён босган йилларда планини тўлдирини унча қийин эмас, Лекин, табии инсон билан курашган бу йилда-да шароитда осон эмас экан. Бизда Мадамин Марамов раҳбарлик қилган звено ҳисобдорлигини гектарига 40 центнерга етказди. Турсуной Эрматов, Темур Нурматов, Туроб Гуломов, Мажид Серикбоевлар звеноси 30—33 центнердан хирмон кўтарди. Бу ахир, об-ҳаво кўндаланг то кузгача биз билан олишадиган бир шароитда, жуда катта натижа.

Дарҳақиқат, раис ҳақ гапни айтди. Бугунги кунда кишилар юзиди табассум барқ уриш учун механизаторлардан Жўра Умаров, Раҳмат Аҳмедов, пахта ташиган тракторчилардан Гуломхўйдар Асқаров, Раҳмат Исмаилов, колхозчи аёллардан Раҳбар Аббасова, Матлуба Жалонова, Дилбар Тошматова ва шуларга ўхшаш ўнлаб азамат кишилар тер тўқдилар, кечалари бедор бўдилар, изғиринга, ёғингарчилка бардош бердилар.

Раис ана бир гапни ўртага ташлади.

— Очганини айтганим, пахта учун кураш, биргина биз деҳқонларнинг иши бўлмай қолди. Калинин район сабзавоткорлари, мактаб ўқувчилари, йигирма йиллик ишчи-хизматчилар, киборетлик институтининг илмий ҳодимлари ҳам биз билан ёнма-ён туриб курашдилар, пахта тердилар. Давлатга тошпирилган салкам икки ярим минг тонна пахта хирмонини бунёд этишда уларнинг ҳиссаси ҳам катта. Раҳмат, уларга!

«Коммунизм» колхозни қишлоқда гайрат камарлари бўшагани йўқ. Кураш сўнги грамм-ларгача давом этди.

С. МАХМУДОВ,
Янгийул району.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси еттинчи чақириқ Олий Советининг олтинчи сессияси 1969 йил 25 декабрда чакирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳомадасига қўйилган масалалар кпритилсин.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1970 йилга мўлжалланган давлат плани тўғрисида;

Ўзбекистон ССРнинг 1970 йилги давлат бюджети тўғрисида;

Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссиялари тўғрисидаги низомига қўшимчалар киритиш тўғрисида;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси

Е. НАСРИДИНОВА,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари

Р. САХИБОВЕВ,
1969 йил 21 ноябрь,
Тошкент шаҳри.

СЪЕЗДА КАТНАШИШ УЧУН МОСКВАГА

Ўзбекистондан колхозчиларнинг учинчи Бутунитифоқ съездига сайланган делегатлар 21 ноябрда махсус поездда Тошкентдан Москвага жўнаб кетишди. (ЎзТАГ).

БОҚИБЕҒАМЛААР



Пахта учун курашнинг жуда ҳам масъулиятли даври ўтаётган бир пайтда боқибегамли қилинаётган бу колхоз қаерда, дегиси: Юқори Чирчиқ районидagi Свердлов номли колхоздир. Махмур колхозда барча дала ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Меҳнат нитизони бўлашиб кетган. Пахта кўллаб нобуд бўлмақда, пайкаларда ситгрлар ёйлиб юрибди. Бу ахир поппсофлик, ал-юрт бойлигини пайқон қилиш эмасми! М. Воробейчиков чизган расм.

Қаҳрамон Вьетнам, биз сен билан биргамиз

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтини ва Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукумати делегациясини санимлаб, шоду хушрамли билан кутиб оломоқдалар. Бу делегацияга миллий озодлик фронтини марказий комитети президиумининг раиси, Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукумати маслаҳат кенгаши-

нинг раиси доктор Нгуен Хиу Тхо бошлиқлик қилмоқда.
Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари ва мутахассислари Вьетнам халқи намоёндаларини 20 ноябрь кунини ўз қороналарида санимий кутиб олдилар. Тўқимачилар Совет—Вьетнам дўстлигига бағишланган кўп ишчиларнинг митингига қаҳрамон вьетнам халқи билан қардошларча бирдамлик ҳис-туйғуларини изҳор этдилар. Мастер ёрдамчиси М. Каримбее-

ва сўзга чиқиб, делегация аъзоларига қарата бундай деди:
Биз Жанубий Вьетнам қаҳрамон ватанпарварларининг вакилларини ўз орамизда кўриб турганимиздан шодимиз. Биз ўз мустақиллигини ҳимоя қилаётган эрксевар халқининг мардликдан фарҳангасиз. Биз сизларга янги-янгиди зафарлар тилаймиз.
Микрофон ёнига мастер Ю. Виллова келди. У Америка агрессорларига ва уларнинг кўйғирчоқларига

га қарши курашда қардош вьетнам халқига совет ишчиларининг бундан кейин ҳам актив қўллашига бўлган иттилошлари тўғрисида гапирди.
Ю. Виллова митинг қатнашчиларининг гулдўрос қарсақлари остида бундай деди:
— Биз сизнинг галаба қозонишгингизга ишонамиз. Эрксевар халқини ҳеч ким тиз қўтира олмайди. Ер юзидagi барча софидил кишилар сизларни қўллаб-қувват-

ламоқдалар.
1-тўғувчилар фабрикаси комсомол ташкилотининг секретари Л. Ахмедова Совет—Вьетнам дўстлиги шарафига, империализмга қарши курашадиган халқларнинг энгавар бирлиги шарафига табрик сўзлари айтди. У қаҳрамон вьетнам халқининг йигит-қизларига қизгин салом тошпирди.
Митингда ҳозир бўлган кишилар Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтини марказий комитетининг

аъзоси Ле Ван Тхкин қизгин кутиб олдилар. Тўқимачилар унинг, Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг шонли ишлари тўғрисидаги сўзларини ҳажжон билан тингладилар. Ле Ван Тхкин Жанубий Вьетнам ватанпарварлари ўзларининг адолатли ишлари тўла галаба қозонишига ҳамма қаттиқ ишонганликларини айтди.
Ле Ван Тхкин ўзининг нутқига Ўзбекистон пойтахти аҳолисининг меҳнатда эришган муваффақиятларидан фарҳангалигини изҳор қилди. Тошкентдаги қурилаётган маддал суръатлари,— деб таъкидлади у,— совет халқлари бир-бирига нўрсатаётган ёрдамнинг, со-

вет халқлари қардошларча бирдамлигининг ёрқин даликлари.
Вьетнамлик меҳмонлар кунининг иккинчи ярмида шаҳарнинг хушманзара жойларини, Тошкентнинг янги уй-жой наваталларини ўздан кечирдилар.
Делегация аъзолари Жанубий Вьетнам Республикаси ва Вьетнам Демократик Республикасидан келиб, Тошкентда таъйин олаётган йигит-қизлар билан учрашдилар. Жанубий Вьетнам халқининг намоёндалари нечқурун А. Навоий номли катта Академик опера ва балет театрида «Сухайл ва Меҳри» спектаклини тамоша қилдилар. (ЎзТАГ).



